



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 153 (13.486)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ МИЛЛИЙ МУДОФАА ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
26 июль куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган
Туркия Республикаси миллий мудофаа вазири
Нуреттин Жаниклини қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасида турли даражадаги алоқалар ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик фаоллашганини мамнуният билан таъкидлади.

Ўзбекистон ва Туркия раҳбарларининг 2016 йил ноябрь ойида Самарқанддаги учрашуви ва жорий йилнинг май ойида Пекинда ўтган "Бир макон, бир йўл" халқаро форуми доирасидаги самарали мулоқоти ўзаро серқирра муносабатлар, шу жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий

ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга янги суръат бағишлагани қайд этилди.

Сухбат чоғида ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик истиқболлари ҳам муҳокама этилди. Ўзбекистон ва Туркия Мудофаа вазирликлари ўртасида амалий ҳамкорлик ўрнатиш, жумладан, ҳарбий таълим соҳасида қўшма дастурларни амалга ошириш бу борадаги муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланди.

Туркия миллий мудофаа вазири Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат

Мирзиёевга қабул учун самимий миннатдорлик билдирди ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғоннинг эзгу тилакларини етказди.

Нуреттин Жаникли Ўзбекистонда Қуролли Кучлар салоҳиятини ошириш ва мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларга юксак баҳо берди ва Туркия томони давлатларимиз ўртасида кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

Нуреттин ЖАНИКЛИ:

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИМИЗ ЯНГИ БОСҚИЧДА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбек ва турк халқларини кўҳна тарих, муштарак қадриятлар ва ўхшаш урф-одатлар бир-бирига боғлаб туради. Кейинги йилларда халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантириш борасида дадил қадамлар қўйилди.

Буни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган **Туркия Республикаси миллий мудофаа вазири Нуреттин Жаникли** ЎЗА муҳбирига интервьюсида алоҳида таъкидлади:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашиб, ўзаро муносабатларимизни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдик. Бу учрашув бизни мамнун этди.

Ўзбекистоннинг мудофаа қобилияти мустаҳкам, юқори салоҳият ва бой тажрибага эга. Бироқ муносабатларимизнинг ҳозир-

ги ҳолатини мавжуд имкониятларимиз даражасида, деб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувда бир-биримизни қўллаб-қувватлаш, амалий ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш, ҳарбий таълим соҳасида қўшма дастурларни амалга ошириш ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашдик.

Ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз янги босқичда изчил давом этаётганидан мамнунмиз.

Б.ХИДОЯТОВ ёзиб олди

ТУРКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида 26 июль куни Туркия Республикаси миллий мудофаа вазири Нуреттин Жаникли раҳбарлигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув якуни бўйича Ўзбекистон ва Туркия Мудофаа вазирликлари ҳарбий-таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг тажриба ва билим алмашишини мустаҳкамлаш, ҳарбий-техника соҳасида икки томонлама муносабатларни кенгайтиришга қаратилган ҳужжат-

лар имзоланди. Хусусан, 2018 йилда Туркия ҳарбий-ўқув юртли ва марказларининг тайёрлов курсларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини ўқитишни ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилди.

Туркия делегацияси аъзолари Темурийлар тарихи давлат

музейида бўлди ва бу ердаги бой экспозиция билан танишди. Шунингдек, меҳмонлар "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи ва Ҳазрати Имом (Хастимом) мажмуасини ҳам зиёрат қилди.

**Аблай КАМОЛОВ,
ЎЗА муҳбири**

● Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида Ватанимиз мустақиллигининг 26 йиллигига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ташаббуси билан "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси томонидан ташкил этилган тадбир иштирокчилари туман аҳолиси билан учрашди, бир пайтлар ҳаёт қайнаган, лекин Орол денгизининг қуриши оқибатида пайдо бўлган "Кемалар қабристонини"да бўлди.

● Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида "Диний экстремизм ва терроризм барқарорлик ва ижтимоий хавфсизликка таҳдид омили" мавзусида семинар ташкил этилди. Мазкур семинарда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар бўйича кўмита, Тошкент ислом институти вакиллари ва ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ "Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!" деган ғояни ўзида мужассам этган маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.



ФИДОЙИЛИК ЭЛГА ЯРАШУР

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги "Янги давр" маҳалла фуқаролар йиғинида Республика Маънавият тарғибот маркази томонидан ташкил этилган тадбир ҳам ана шу ғоя асосида "Фидойилик элга ярашур!" мавзусида бўлди.

Маънавият тарғиботчилари, санъаткорлар, маҳалла фаоллари, нурунийлар ҳамда ёшлар иштирокидаги тадбирда шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга чирой очиб, аҳоли учун намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар ва инфра-

тузилма тармоқлари барпо этилиб, кекса авлод вакиллари, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

– Мустақиллик сизу бизники, бутун халқимизники, – дейди ЎЗА муҳбирига Республика Маънавият тарғибот маркази бўлим мудир Турсунмурод Маматқобилов. – Қўлга киритган барча ютуқларимизнинг, эришяётган зафарларимизнинг асосий омили шу юрт фарзандларининг

меҳнати, одамларимиз, авваламбор ёшларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб бораётганидир.

Тадбирда Ватанимиз тинчлиги-осойишталигини мустаҳкамлаш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, радикализм, терроризм, экстремизм, "оммавий маданият" каби таҳдидлар жаҳон миқёсида кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ ва хушёр бўлиш давр талаби эканлиги таъкидланди.

Санъаткорлар томонидан куй-қўшиқлар ижро этилди.

М.КОСИМОВА

Тошкентда Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси девонхонаси томонидан "Ўзбекистон – Хитой савдо-иқтисодий муносабатлари замонавий босқичда" мавзусида брифинг ўтказилди.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР РИВОЖИ – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тадбирда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳамкорлик ва манфаатдорликка асосланган стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини бир қанча ҳужжатлар мустаҳкамлаб туради. Бунда 2017 йил 12 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин томонидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш тўғрисида қўшма баёнот алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 11-13 май кунлари Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи Ўзбекистон – Хитой савдо-иқтисодий муносабатларини янги босқичга кўтарди. Хусусан, икки томонлама савдо алоқаларини янада ривожлантириш, инвестициялар, молия, транспорт инфратузилмаси, эркин иқтисодий ва кичик иқтисодий зоналар барпо қилиш йўналишларидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритаётган давлатлардан биридир. Хитой ҳукуматининг имтиёзли ва тижорат кредитлари асо-

сида Ўзбекистонда электр энергияси, нефть-газ, гидроэнергия ва кимё саноати, ҳаво ва темир йўл транспорти инфратузилмасини модернизация қилиш сингари 60 дан ортиқ йирик лойиҳа амалга оширилди.


Бугунги кунда мамлакатимизда Хитой капитали иштирокидаги 700 дан зиёд компания ва корхона фаолият кўрсатмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хитойга давлат ташрифи чоғида мазкур йўналишдаги ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида "Жиззах" эркин иқтисодий зонасида тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича юқори технологияли қўшма корхоналар яратишга келишиб олинди.

– Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар Хитой жамоатчилиги томонидан юксак баҳоланмоқда, – дейди ЎЗА муҳбирига Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси Цзинь Юйлу. – Биз ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, саноатни модернизациялаш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қиладиган мазкур саъй-ҳаракатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни давом эттирамиз.

Б.БОЗОРОВ



● Халқ депутатлари Миришкор тумани Кенгаши сессиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзоларидан иборат ишчи гуруҳларининг туман аҳолиси ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан танишуви, давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлар фаолиятини ўрганиш ва фуқаролар билан олиб борган мулоқотлари натижалари атрофлича муҳокама қилинди.



● Япониянинг Акита музофотида юз берган кучли ёғингарчилик натижасида 17 та туманда 485 та уй сув остида қолди. Табиий офат оқибатида ўн минглаб аҳоли хавфсиз

жойларга қўчирилди. Сув тошқинлари ва ёғингарчилик мамлакат темир йўл қатновиди ҳам узилишларга олиб келди.

● Хитойда жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот ҳажми 6,9 фоиз ўсди. Бу Хитой иқтисодиётида турғунлик юзага келиб, ЯИМ ҳажми ўртача 5,5-6 фоиздан ошмаслигини тахмин қилаётган қўллаб-қувватловчи башоратлари ўзини оқламаганини билдиради. Экспертларнинг айтишича, мамлакатда барқарор ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги ҳамда экспорт ҳажмининг муайян тарзда кенгайиб бориши, аҳоли харид қобилиятининг тобора ортаётгани ялпи ички маҳсулот ҳажмининг кутилганидан кўра зиёдроқ бўлишини таъминлаган.

● Ўрмон ёнгинлари Францияга ҳам қатта зарар етказмоқда. Жумладан, Корсиканинг шимолий қисмида ўрмон ёнгинларининг тобора кенгайиб бориши натижасида аҳоли хавфсиз жойларга қўчирилмоқда.

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

Пойтахтимиздаги Уруш ва меҳнат фахрийлари учун Республика пансионатида партия аъзолари билан юзма-юз мулоқот бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши томонидан "Халқ билан мулоқот ижтимоий ҳимоянинг энг самарали йўли" лойиҳаси доирасида ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, пансионат вакиллари, журналистлар иштирок этди.

Мамлакатимизда кекса авлод вакиллари ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёз ва имкониятлар яратиш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Тадбирда пансионатдаги мавжуд вазият, қариялар саломатлиги, озиқ-овқат таъминоти, яшаш шароити ўрганилди. Партия масъуллари ва депутатлар ёлғиз кексалар, қариялар, ногиронлар билан юзма-юз суҳбат ўтказиб,

уларнинг фикрлари, муаммолари ва таклифлари билан қизикди.

— Кексаларни улуғлаш, уларнинг хизматида бўлиш азалий қадриятлардан ҳисобланади, — дейди Халқ демократик партияси марказий кенгаши масъул ходими Сирожиiddин Шоназаров. — Вазифаларимиз аввалида пансионатда истиқомат қилаётган қарияларнинг саломатлиги, яратилган шароитларни ўрганиб, фикр алмашдик. Уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида ушбу соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган вазифаларни белгилаб олдик.

Пансионатда истиқомат қилаётган қария ва ногиронларга партиянинг совғалари топширилди.

Г.БОБОЕВА



Қарор ва ижро

ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР ТУШУНТИРИЛДИ

Маҳаллий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, хусусан, янги узилган мева-сабзавотларни хорижий бозорларга экспорт қилишда янада қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилиш учун тадбиркорларга қўшимча имтиёзлар беришга устувор аҳамият берилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 21. июндаги "Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги саъй-ҳаракатларни янги bosқичга кўтаришда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Тошкентда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш масалаларига бағишлаб ўтказилган амалий семинарда тадбиркорларга мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳияти атофлича тушунтирилди. Семинарда маҳаллий тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари, агрофирмалар ҳамда ташқи савдо компаниялари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари Б.Асадов ва бошқалар мазкур ҳужжат бевосита ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, экспорт ҳажмини ошириш, маҳаллий экспортчиларнинг рақобатдошлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, ортиқча ва эскирган рухсат бериш тартиботларини бекор қилиш орқали ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлар янги мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари ҳақини олдиндан 100 фоиз тўлаш шарт билан тўғридан-тўғри экспорт қилиш имкониятига эга бўлди.

Эндиликда нафақат маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар, балки маҳсулотларни чет элга экспорт қилишда уларга қўмқлашадиган ташқи савдо ташкилотларига ҳам экспорт фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратилди. Ишлаб чиқарувчи-экспорт қилувчиларга татбиқ этиб келинаётган имтиёз ва қулайликлардан бундан буён маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини хорижга етказиб берадиган барча тадбиркорлик субъектлари фойдаланиши мумкин бўлди.

Семинарда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни экспорт қилувчи ташкилотлар учун амалда бўлган имтиёзлар ва преференциялар юзасидан батафсил маълумот берилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сертификатлаштириш бўйича дунё тажрибаси, соҳага оид халқаро стандартлар ва уларни мамлакатимизда жорий этиш масалалари муҳокама этилди.

Тадбирда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

(ЎЗА)

Республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни, авваламбор касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этишда бир қатор имтиёз ва преференциялар яратилган.

ЁШ ТАДБИРКОРЛАРГА ҚУЛАЙ ИМКОНИАТЛАР

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида кўра микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 50 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.

Бунда ходимлар сонининг оширилишига касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина йўл қўйилади.

Мазкур нормалар Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик фаолияти" эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддасида ўз аксини топган. Бундан ташқари, мазкур қонунга кўра кичик корхона уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30 фоиз ошадиган бўлса ҳам кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375-моддасига кўра, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади. Яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтилган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичида фаолият тугатилган ёки фаолият уч ва ундан кўп ойга тўхта-

тилган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида ҳам хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ёшларни тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, мазкур Фармонга кўра 2015 йилнинг 1 июлидан яқка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида сўғурта бадалли ва яқка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдоридан солиқ тўлаш шарт билан бир нафардан уч нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилди. Яқка тартибдаги тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади.

Дилноза Мамасодиқова кўли гул тикувчилардан. У 2016 йилда касб-ҳунар коллежини тамомлаб, тадбиркор сифатида ўз фаолиятини юритиб келмоқда. Миллий ва замонавий услубдаги либослар тикиш билан шугулланадиган хунароманд "устоз-шоғирд" аъъанаси асосида тенгдошларига ўз хунари сирларини ўргатишни ҳам самарали йўлга қўйган. У коллежни тамомлаган икки дугонасини ҳам ишга ёллаб, солиқ имтиёзидан унумли фойдаланган ҳолда бугунги кунда ўз бизнесини йўлга қўйди.

Навқирон авлод вакиллари эришаётган бундай ютуқларга яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ёшларни изланишга, ҳалол меҳнат қилиб, фаровон яшашга ундаш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар ўз самараларини бермоқда.

Юнусжон НАСИМДЖАНОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ
бошқармаси бошлиғи ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОНГА БАҒИШЛАНГАН ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ

Россиянинг "Культура" телеканали "Ўзбекистон: қўлга киритилган топилмалар" ҳужжатли фильмининг суратга олишга киришди.

Бир соатга мўлжалланган мазкур ҳужжатли фильм Россиянинг "Культура" телеканали, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси (ЎзЭОВМА) ва "Караван-ТВ" ҳамкорлигида суратга олинди. Фильмда замонавий Ўзбекистоннинг бир неча асрлик аъъаналари ва донишмандларининг ақл-заковати билан ҳамоханг равишда ривожланиб бораётгани ҳақида сўз боради. Улар ҳар бир қадамда учрашиб, ҳамжихатлик ва тотувликда кун кечирмоқда. Шундай қилиб, Тошкент шаҳрида Ислон динининг ҳақиқий қадриятларини ўрганувчи Ислон маданият маркази, Мир Араб мадрасасида ислон дунёсининг олим ва улаомлари меросини ўрганувчи Халқаро ислон илмий-тадқиқот маркази ташкил этилади.

"Ўзбекистон ҳар доим турли динга ва маданиятга эътиқод қилувчи одамлар аҳил-иноқликда яшайдиган толерант ҳудуд бўлиб келган. Бунга суратга ту-

шириш режалаштирилган Самарқанд шаҳрида жойлашган авлиё Даниил мақбрасини, Тошкент шаҳридаги католик ва православларнинг Успенский собори-ни мисол келтиришимиз мумкин. Бироқ ҳужжатли фильмининг асосий гоёси ва лейтмотиви мамлакатдаги энг бой маданий ва тарихий мерос ҳисобланган, Ўзбекистон олимлари томонидан ўрганиб келинган энг қадимий ёдгорликлар ёзуви ҳисобланади. Биз сизга ота-боболар ва муқаддас Ислон аъъаналарига содиқ ҳолда замон билан ҳамнафас равишда ривожланиб бораётган Ўзбекистон ва унинг халқи ҳақида хикоя қиламиз", деди фильм режиссёри Валерий Белов.

Фильм продюсери Фирдавс Абдухолиқов ЎзЭОВМА учун бу Россия телекомпанияси билан навбатдаги фильмининг суратга олиш лойиҳаси бўлганлигини таъкидлади: "Биз илгари ҳам машҳур "Мастерская" кинокомпанияси билан ҳамкорликда

"Ўзбекистон — қумликлар мар-вариди" ва Қорақалпоғистон ҳақидаги "Вақт қумликлари аро" номидаги ҳужжатли фильмлари суратга олганмиз. "Культура-Россия" телеканали билан қилган ҳамкорлигимиз Республикаимизнинг мустақиллик байрами учун муносиб совға бўлади, деб умид қиламиз".

"Ўзбекистон: қўлга киритилган топилмалар" ҳужжатли фильмининг суратга олиш ишлари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз ва бошқа шаҳарларда бўлиб ўтади. Шу билан бирга сьемка жараёнида табиат манзараларидан, кино ва фото ҳужжатлардан, музей артефактларидан, шахсий архив ва архив кадрлардан фойдаланилади. Фильмда машҳур архитекторларнинг, олимларнинг, тарихчи ва хаттотларнинг, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолининг интервьюлари янграйди.

Ўрол ҲАМИДУЛЛАЕВ,
"Туркистон-пресс"

МЕҲНАТ МИГРАНТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНФААТЛАРИ КАФОЛАТЛАНГАН

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигида Россия Федерациясига ишлаш учун кетаётган бир гуруҳ меҳнат мигрантлари билан учрашув бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда ташқи миграция соҳасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ташқи миграция, рекрутнинг фаолияти тўғрисида янги қонун лойиҳалари яратилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига давлат ташири доирасида "Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкилий жалб этиш ва ишга қабул қилиш тўғрисида"ги битим имзоланган эди. Мазкур битим Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкилий жалб этиш ва ишга қабул қилиш бўйича томонлар ҳамкорлигининг тартиби ва шартларини белгилаб беради.

Битимга асосан Россияда меҳнат қилаётган ва меҳнат қилиш истагида бўлган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояланади. Унга кўра, иш берувчининг меҳнаткаш-мигрантларни ташкилий жалб этиш ва ишга қабул қилишда иштирок этишнинг мажбурий шартлари, яъни, зарурий санитария-гигиена ва бошқа меъёрларга мувофиқ яшаш жойлари ва меҳнат хавфсизлиги таъминланади. Шунингдек, ҳужжатларда белгиланган энг кам даражадан кам бўлмаган кафолатланган меҳнат ҳақи берилади.

— Меҳнат фаолиятимизни амалга ошириш учун Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига кетяпмиз, — дейди жиззахлик Жасур Ёвбосаров. — У ерда бир йиллик шартнома асосида тикув фабрикасида ишлаймиз. Иш жойимиздаги меҳнат қилиш ва яшаш шароитлари, ойлик маошимиз ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлдик.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги томонидан берилган маълумотларга асосан, ташқи меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Россияга кетаётган фуқаролар Россиядан келган иш берувчилар билан бўлган суҳбатда сараланган.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Азиз Абдуҳамидовнинг таъкидлашича, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида меҳнаткаш-мигрантлар учун мослаштириш ва ўқитиш марказлари очилиши кўзда тутилган. Ўзбекистон фуқаролари хорижга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетиш олдида мазкур марказларда ўқийди. Бу ерда улар ўзлари борадиган мамлакат қонунчилиги, аъъаналари ҳақида маълумотга эга бўлади. Борадиган мамлакат тилида сўзлашиш ва меҳнат вазифаларини бажаришни етарли даражада ўрганади, шартнома бўйича ишга жойлашадиган корхоналарда техника хавфсизлиги ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини ўзлаштиради, тиббий кўриқдан ўтади.

Тадбирда вақтинчалик меҳнатга жалб қилинганларга махсус сертификатлар топширилди.

Н.НАСРИЕВ,
ЎЗА мухбири

БЕЛГИЛАНГАН ҚОИДАЛАРГА АМАЛ ҚИЛИНГ

Ҳамиша долзарб масала бўлган электр хўжаликларининг тартибга солиш мақсадида мунтазам равишда "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими ходимлари томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши қарори асосида Тошкент шаҳридаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятида режали текширишлар ўтказилмоқда.

Режали текширишлар давомида тадбиркорлик субъектларида электр хўжалиғи учун жавобгар шахс мавжуд эмаслиги ёки мавжуд бўлган тақдирда ҳам жавобгар шахс "Истеъмолчилар электр ускуналарини эксплуатация қилиш қоидалари ва истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидалари" асосида билим синовидан ўтмаганлиги аниқланмоқда.

Айтиш лозимки ҳозирги вақтда бутун жаҳонда ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш, электр энергиясидан оқилна ва самарали фойдаланиш, кам харажат эвазига кўп маҳсулот ишлаб чиқариш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шундай экан мамлакатимиздаги йирик ишлаб чиқариш ва унга тенглаштирилган корхоналарда юқоридаги вазифаларни бажариш учун билимли ва малакали мутахассислар зарур.

2017 йилнинг олти ойи давомида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан электр энергиясидан нооқилна фойдаланиш ҳолатлари, электр қурилмаларни белгиланган қоидаларнинг талабларига жавоб бермайдиган қоникарсиз техник қўлабларига аниқланмоқда. Шу ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир корхонада "Истеъмолчилар электр қурилмаларини техник эксплуатация қилиш қоидалари"нинг 11-банди талабига асосан корхонада электр хўжалик бўйича жавобгар шахс тайинланиши лозим. Қоида талабларида электр хўжалиғи бўйича жавобгар шахснинг асосий вазифалари — электр ва иссиқлик энергиясини иқтисод қилиш, корхонада маҳсулот қурилмаларини янги замонавий технологияга мос ускуналар билан алмаштириш ишларида қатнашиш, ноъанавий энергия манбаларидан фойдаланиш, шунингдек, электр ва иссиқлик энергияси захираларини аниқлаш бўйича тадбирлар тузиш, маҳсулот беришга сарф бўладиган электр ва иссиқлик энергиясини солиштирма меъёрларини ишлаб чиқишда қатнашиш, электр ва иссиқлик энергияси истеъмоли ҳисоботларини тайёрлаш ҳамда электр қурилмаларни белгиланган қоидаларнинг талабларига жавоб берадиган техник ҳолатда сақлаб туришдан иборатдир.

Юқоридагиларга кўра, тадбиркорлик субъектлари раҳбариятлари ўз корхоналарида электр хўжалиғи бўйича малакали жавобгар шахс тайинланиши лозимлигини кўрсатиб ўтади. Бу билан хўжалик юритувчи субъектларда юзага келиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодиса, авария ва ёнғин ҳолатларининг олди олинади.

Шоносир АҲМЕДОВ,
"Ўздавэнергоназорат"
инспекцияси Тошкент шаҳар
бўлими инспектори

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, содир этилиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш, қоидабузарликлар сонини камайтириш Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг доимий вазифалари ҳисобланади. Албатта, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ўз-ўзидан амалга ошиб қоладиган иш эмас. Бу соҳани такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимларнинг касбий ва хизмат тайёргарлигини ҳозирги кун талабларига мос равишда юксалтириш, ҳаракат иштирокчиларининг ҳаракатланиш маданиятини ошириш сингари кўплаб ишларни бажаришни талаб этади.

Бугун ҳаётимизнинг турли жабҳаларига кириб келаётган янгиликлар, ўзгаришлар, ахборот-коммуникация технологиялари давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида муайян ўзгаришларни тақозо этмоқда. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирги кунни беамал туб ўзгаришлар даври, деб атасак бўлади. Айниқса, Президентимизнинг ички ишлар органлари тизимига алоҳида эътибор қаратаётгани, соҳани ислоҳ қилиш юзасидан қатор ҳужжатлар имзолагани фикримиз исботдир.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида Ички ишлар вазирлигининг барча соҳавий хизматлари фаолиятини тубдан қайта қўриб чиқиш вазифаси юклатилган эди. Ана шу Фармон талабларига мувофиқ, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида шу йил 11 июлда Президентимиз томонидан соҳага тааллуқли яна бир муҳим ҳужжат имзоланди.

"Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ушбу Қарор соҳавий хизмат ходимлари зиммасига бир қатор ҳаётий муҳим вазифаларни юклади. Жумладан, қарорда йўл ҳаракати хавфсизлиги республика, ўрта ва қуйи бўлинмалари фаолиятини ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги тартибини ўрнатиш, бунда уларнинг асосий вазифалари ва функциялари аниқ белгиланиши ва тақсимланиши, раҳбарлар ва ходимларнинг ўзига юклатилган вазифаларни бажариши учун шахсий жавобгарлигини назарда тутиш биринчи ғалдаги вазифа қилиб белгиланди. Шунингдек, йўлларда, айниқса, Тошкент шаҳрида йўл-транспорт ҳодисалари содир этилиши ва тирбандликнинг ҳосил бўлишига имконият берувчи сабаб ва шарт-шароитларни тизимли равишда комплекс таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш асосида йўл ҳаракати қоидалари бузилиши профилактикаси тизимини такомиллаштириш зарурлиги қарорда ўз аксини топди.

Йўл-транспорт ҳодисалари атайин содир этилмайди. Улар асосан йўл ҳаракати қоидалари талаблари қўпол равишда бузилиши оқибатида келиб чиқади. Худди шунингдек, қоидаларнинг бузилиши тирбандликларга ҳам сабаб бўлади. Шунини инобатга олган ҳолда, айтилган пайтда ҳаракат иштирокчилари ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда. Мазкур жараёнда йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқараётган омиллар аниқ мисоллар ёрдамида кўрсаткичлар, ҳаракат иштирокчиларига уларнинг олдини олиш бўйича қандай

ишларни, қай тартибда амалга ошириш тушунтириб борилапти.

Барчага маълумки, Тошкент шаҳридаги 115 та чорраҳага видеокузатув мосламалари ўрнатилган эди. Янги тизим шу йилнинг 15 март кунидан эътиборан ишга туширилди. Бундан Тошкент шаҳри кўчаларида йўл ҳаракати хавфсизлигини замонавий технологиялар ёрдамида таъминлаш мақсади кўзланган. Бунинг учун назорат қилинадиган ҳар бир объект-чорраҳа ҳаракатни назорат қилувчи, қоидабузарликларни автоматик тарзда аниқловчи замонавий техник воситалар, интеллектуал детекторлар, контроллерлар, видеокамералар билан жиҳозланди.

Чорраҳалардан олинган барча маъ-

лари билан жиҳозлаш бўйича ўрнатилган талабларга сўзсиз риоя этилишини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Сабаби, йўл белгилари ва йўл чизиклари, аввало, ҳаракат иштирокчиларига аниқ маълумотлар бериб, уларнинг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлайди. Белгиларнинг аниқ ва кўринарли тарзда жойлашиши, уларни нур қайтарувчи махсус қопламалардан фойдаланилган ҳолда тайёрланиши ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириб, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга хизмат қилади.

Таъкидлаш лозимки, қарор билан Ички ишлар вазирлиги ва Автомобиль йўллари давлат кўмитасининг

ТУБ ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ КЕЛДИ

лумотлар Марказий диспетчерлик хизматида узатилади ва бу ердаги электрон табло ҳамда видеомониторларга чиқарилади. Тизимга киритилган чорраҳалардаги светофорлар ҳам детекторлардан ҳаракат оқими тўғрисида олинган маълумотларни қайта ишлаш орқали автоматик тарзда бошқарилади. Қолаверса, светофорлар иш фаолиятини оптималлаштириш натижасида йўлларнинг ўтказувчанлик қобилияти оширилади. Натижада транспорт воситаларининг чорраҳалар олдида тўхтаб туришини 20-25 фоизга, транспорт воситалари двигателларидан чиқиб кетган заҳарли газларнинг 5-10 фоизга, ёнилғи сарфини 5-15 фоизга камайтириш ҳисобига шаҳардаги экологик ҳолат анча яхшиланади.

Яна шуни ҳам таъкидлаш зарурки, чорраҳалардаги вазиятни масофадан узлуксиз кузатиб бориш учун видеокамералар ҳамда фуқаролар учун махсус хизматларни, жумладан, ички ишлар, тез тиббий ёрдам, ёнғин хавфсизлиги хизматларини чақиритиш учун махсус воситалар ўрнатилди.

Амалга оширилган ишлардан кўзланган асосий мақсад ҳайдовчиларнинг масъулиятини ошириш, автомобиль йўлларида қоидабузарликлар ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, кўчаларимизда юзга келаётган тирбандликларни бартараф этиш, энг муҳими, йўл ҳаракати иштирокчилари хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Масаланинг ана шу муҳим томонлари инобатга олинган ҳолда, мазкур тизимни республикамизнинг барча ҳудудларида жорий этиш лозимлиги қарор билан белгилаб берилди.

Қарорда, шунингдек, йўлларни сақлаш ва уларнинг йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўл ҳаракатини тартибга солишнинг бошқа техник восита-

"Uzavtoyot'belgi" давлат унитар корхонасини ташкил этиш ҳамда тегишли норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ йўл белгилари, ахборот кўрсаткичлари, йўл ҳаракатини тартибга солишнинг бошқа техник воситаларини ишлаб чиқаришни унинг асосий вазифаси этиб белгиланган ҳақидаги таклифи маъқулланди.

"Uzavtoyot'belgi" давлат унитар корхонасининг таъсисчиси Автомобиль йўллари давлат кўмитаси ҳисобланади. Ушбу кўмита қисқа муддатларда корхона фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилувчи ҳужжатни, Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ўрнатилган йўл белгиларини ҳатловдан ўтказиш, уларни замонавий юқори интенсив (нур қайтарувчи) қопламали йўл белгиларини ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг аниқ кўриниши имкониятини берувчи конструкцияларга мустаҳкамлашни назарда тутган ҳолда йўл ҳаракати соҳасида стандартлаштириш бўйича янгиланган норматив ҳужжатлар тайёрланади.

Яратилаётган қулайликлардан яна бири, бу кўпчилик ҳаракат иштирокчиларининг таклиф-истаклари асосида жорий йил 1 сентябрдан эътиборан автотранспорт воситалари учун харидор-гир ҳарф ва рақамлар комбинациясига эга бўлган давлат рўйхат рақамларини оширилган тўлов ставкалари бўйича, шу жумладан, кимовиди савдосини ўтказиш

йўли билан танлаш тартибининг жорий этилиши бўлди.

Бундан ташқари, 2018 йил 1 январдан эътиборан автотранспорт воситасидан фойдаланиш ва (ёки) уни тасаруф этиш ҳуқуқи учун ишончномаларни, автотранспорт воситаси ижараси, текин фойдаланиш, гаров, лизинг шартномаларини фуқаролар томонидан ички ишлар органларининг тегишли йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларида ҳисобга қўйиш тўғрисидаги талабга ҳам ўзгартириш киритилди. Эндиликда Фуқаролар бу ишларни расмийлаштириш учун ДИХХХга бориб юрмайди. Бу иш нотариуслар томонидан уларнинг электрон шаклини ДИХХХга жўнатиш орқали амалга оширилади.

2018 йил 1 январдан эътиборан йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларининг жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларини (юк, йўловчи ва махсус транспорт воситалари бундан мустасно) мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича функцияларининг юридик шахслар – тадбиркорлик субъектларига босқичма-босқич ўтказилади. Бу кўрсатиладиган хизматлар учун қатъий нархлар белгиланган ҳамда ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорликка оид талаблар ўрнатилган ҳолда амалга оширилади.

Яна бир янгилик шундан иборатки, Президентимиз қарорига асосан Тошкент шаҳрида, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида тажриба тариқасида йўл-патруль хизмати мотоциклдаги гуруҳлари тузилади. Уларга йўллар ва кўчаларнинг ҳаракатланиш қийин бўлган қатнов қисмларида, одамлар гавжум жойларда, шунингдек, хорижий ва бошқа делегацияларни кузатишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш вазифалари юклатилади.

Қарорда соҳанинг барча қирралари қамраб олинган бўлиб, улар ихросини таъминлаш фаолият самарадорлигини янада ошириш имконини беради. Бунда йўл ҳаракати иштирокчиларининг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини ошириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини кенгайтириш ҳамда уларнинг шакл ва усулларини такомиллаштириш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишини, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилинишини, хизмат ўташ вақтида муомала маданияти ва одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш, йўл-патруль хизмати ходимлари хизмат вазифаларини лозим даражада бажариши устидан назоратни кучайтиришга, шунингдек, кадрларни танлаш, уларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг таъсирчан механизмининг жорий этиш, давлат хизматларини кўрсатиш таомилларини соддалаштиришни назарда тутувчи ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг шаффофлигини таъминловчи замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллашга асосий эътибор қаратилади.

Соҳавий хизмат ходимлари ўз олди-га қўйилган вазифаларни масъулиятни ҳис этган ҳолда бажариб, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш учун барча имкониятларни ишга соладилар. Бунинг учун маънавий кадрлар, зарур куч ва воситалар етарли.

Холматжон САЙДАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
ИХХББ бошлиғи, полковник

Маърифий суҳбатлар

ГИЁҲВАНДЛИК — УМР ЗАВОЛИ

Ҳозирги вақтда гиёҳвандлик балоси инсоният ҳаётига жиддий хавф солаётган, унинг азиз ва муқаррамлигига путур етказётган машғум иллатлардан бўлиб турибди. Беҳизга уни "аср вабоси" деб сифатлашмаган.

Тарихий маълумотларга кўра, гиёҳвандлик, афюн истеъмол қилиш милодий ўн учинчи асрда мўғуллар истилоси чоғида улар томонидан дунёнинг кўплаб мамлакатларига тарқатилган. Аллома ибн Ҳожа ал-Маккийнинг "Фатвои Кабир"ида айтилишича, "Гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишда бир қанча зарарлар мавжуд: у инсон тафаккурини ўтмаслаштиради, тананинг турли касалликларга чидамлилигини йўқотади, хотирани сусайтиради, бош, юрак, сил, истиско хасталикларини юзгага келтиради, ибодатдан тўсади, шарму ҳаёни кетказди, инсоний муносабатлар ва мурувватга зарар етказди". Бундан ташқари, бу зарарли иллат инсонни ўта ялқов, камгайрат, оилага бепарво, ҳамиятсиз, жинсий заиф қилиб қўяди, кўзни хиралаштиради, тишларни тўкиб юборади.

Жумладан, ҳозирда гиёҳвандлик инсонга ҳар томонлама зарар беришини Фарб ва Шарқ тиббиёт мутахассислари бир овоздан тасдиқлашмоқда. Бу моддаларни истеъмол қилувчилар ўнлаб тузалмас касалликларга йўлиқиши, ҳаётдан эрта кетиши, улардан мажруҳ, ақли нуқис фарзандлар туғилиши исботланган. Бу эса инсоннинг ўз жонига қасд қилиши билан баробардир. Гиёҳвандлик ва уни кишилар, айниқса, ёшлар ўртасида тарқалишининг олдини олиш мақсадида БМТ ҳузурида гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро хайъат ташкил этилган. Мазкур хайъат томонидан ҳар йили эълон қилинаётган маълумотларга қараганда жаҳонда гиёҳвандлик ва унга боғлиқ бўлган жиноятлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳамда гиёҳвандликка мубтало бўлганларни даволаш борасида ягона дастур ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Давлатимизнинг оқилона сиёсати фуқаролик жамиятининг ҳар томонлама қомил, соғлом, олижаноб фазилатлари, юксак тафаккури ва маънавияти, ижтимоий фаоллиги билан ажралиб турадиган намунали жамият бўлишига қаратилган. Мана шу халқчил-сиёсатга асосланган давлатимиз барча турдаги гиёҳвандликка қарши изчил кураш олиб бормоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали дунёда "аср вабоси" деб ном олган гиёҳвандликнинг инсон соғлиғига зарари ва унинг аянчи оқибатлари ҳақида баралла айтилмоқда ва кенг тушунтирилмоқда.

Муборак ҳадисларда ҳар бир инсон ўз тана аъзолари саломатлиги йўлида қайғуриши лозимлиги алоҳида таъкидланган. Зеро, жисм, тана аъзолари соғлом бўлиши ва уларни турли зарарли одатлардан, касалликлардан сақлаш ҳар бир кишининг муҳим бурчи бўлиб ҳисобланади. Янгидан-янги дори-дармонлар қанчалик кўпаймасин, тиббий муассасалар сони ва сифати, шифокорлар савияси ва тиббий техника сифати қанчалик яхшиланмасин, агар инсоннинг ўзи ўз саломатлиги устида қайғурмаса қутилган натижага эришиб бўлмаслиги айтилган ҳақиқатдир.

Ҳозирги вазиятда ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва кашандаликка қарши бутун чоралар билан кураш олиб бориш инсониятнинг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири бўлиб турибди. Бу ишдан ҳар биримиз четда турмаслигимиз, ёшларга бу одатларнинг зарари ва келтиражак кулфатлари ҳақида мунтазам тушунтириш ишлари олиб боришимиз, уларни пок турмуш тарзи, гўзал одоб-ахлоққа мунтазам тарғиб қилишимиз зарур.

Садриддин АБДУРАШИДОВ,
Олмасор тумани бош имом хатibi

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Ўзбекбаликсаноат" уюшмаси 15 дона компьютер, 8 дона принтер ва 3 дона ноутбук маҳсулотларини олиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тендерда қатнашишни хоҳловчи ташкилотлар эълон чоп қилинган кундан бошлаб 5 кун ичида қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 15-уй. АТИБ "Ипотека банк" Тошкент шаҳар филиали, 3-қават. Телефон: 232-21-88

2-Республика тиббиёт коллежи 2017-2018 ўқув йили учун инглиз тили фанидан рус ва ўзбек гуруҳларида дарс берадиган, чет тилидан малака ва уни билиш даражаси бўйича тест синовида (CEFR) ўтган ўқитувчиларни

ИШГА КАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун телефон: (8-371) 226-70-66. Факс: (8-371) 226-70-66. E-mail: t.2-rtk@markaz.uz

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк қадаси" давлат корхонаси томонидан Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Машираб кўчаси, 58-уйда жойлашган "ОТРОР" (ИНН 201079623) хусусий корхонаси номига 14.11.2014 йилда нотураб жойга берилган 10:03:04:0073 сонли (объект реестр рақами № 3-870/2014) кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

БОЛАЛАР УЧУН КИТОБЛАР ЖАМЛАНМАСИ

Халқ таълими вазирлиги томонидан мактабгача таълимга қамраб олинмаган 3 – 6 ёшли фарзандлари бўлган оилаларга 7 номдаги китоблар бепул тарқатилмоқда.

Ушбу тўпламга қизиқарли эртақ ва шеърлар жамланган бўлиб, ҳар бир эртақ, ривоят ва шеърдан сўнг берилган савол ва топшириқлар кичкинтойларнинг асар гоёсини қуқурок англашига, воқеа-ҳодисалар ҳақида мулоҳаза юритиб, фикрини эркин айта олиши, мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришига ёрдам беради.

Мазкур китоблар тўплами биринчи босқичда 200 000, иккинчи босқичда 153 000 оилага тарқатилади. Шу мақсадда "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлинмалари ва ҳудудий халқ таълими бошқармаси идоралари томонидан оилаларнинг рўйхати шакллантирилди. Бунда улардаги мактабгача таълимга қамраб олинмаган 3 – 6 ёшли болалар сони, оила жойлашган маҳалланинг туман марказидан узоқлиги, оиланинг кам таъминланганлиги каби жиҳатлар ҳисобга олинди.

Болаларга китоблар тўплами оилаларга энг яқин жойлашган мактабгача таълим муассасалари орқали тарқатилади. Бунинг учун республика бўйича 2144 та мактабгача таълим муассасаси танлаб олинди. Тегишли тавсияномага кўра, тўплам ота-оналарга муассасада тузилган ишчи гуруҳ томонидан тарқатилади.

Айни пайтда барча китоблар белгиланган мактабгача таълим муассасаларига етказиб, оилаларга тарқатиш жараёни бошланди.

Шаҳноза АЛИМБОЕВА,
"Туркистон-пресс"

Шиддат билан ўзгариб бораётган давр барчамиз, айниқса ёшларнинг олдида замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаш, шу билан бирга, яратилаётган имкониятлардан самарали фойдаланиш каби вазифаларни қўяётганини алоҳида қайд этиш жоиз.

АЛОҲИДА ЭЪТИБОР КЎРСАТИЛМОҚДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлардан кўзланган мақсад мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига қаратилган. Президентимизнинг ташаббуси билан "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати негизига Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил этилгани ўсиб келаётган авлод қамолотига бўлган алоҳида эътиборнинг ифодаси бўлди.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Чилонзор туман Кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида бу жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Жорий йилнинг 20 июлидан бошлаб пойтахтимизнинг барча туманларида Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман Кен-




гашларининг кенгайтирилган йиғилишлари ўтказилмоқда. Айни кунда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан кенгайтирилган йиғилишларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича махсус ишчи гуруҳ тузилиб, чора-тадбирлар режаси тасдиқланган. Йиғилишлар давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 30 июнь кунги ёшлар билан ўтказилган учрашувда белгилаб берилган вазифалар ижросини ташкил этиш бўйича Иттифок ҳудудий Кенгаши ва Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идораларро Кенгаш олдида турган долзарб вазифалар муҳокама этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Чилонзор туман Кен-

гаши раиси ҳамда ижроия кўмитаси таркибини сайлаш масалалари кўриб чиқилди. Йиғилиш қатнашчилари танловига асосан Баҳодир Зиёвдинов Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Чилонзор туман Кенгаши раиси лавозимига сайланди, унга ишонч билдирилди. Йиғилишнинг иккинчи қисмида сўзга чиққан туман фаоллари томонидан ҳудудий Кенгашининг ижроия кўмитаси сони ва таркиби бўйича ҳам таклиф билдирилиб, овозга қўйилди. Шундан сўнг ижроия кўмитаси таркиби ҳам сайланди.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи барча ёшларимизни янги марра ва мақсадлар йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи ташкилотга айланиши шубҳасиз.

Зарина РУСТАМОВА



Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Давлатимиз томонидан барча соҳаларда бўлгани каби божхона соҳасида ҳам ходимларни доимий равишда моддий ва маънавий рағбатлантириш, хусусан, соҳа инфратузилмасини тубдан такомиллаштириш, ходимлар учун меҳнат ва яшаш шарт-шароитларини янада яхшилаш борасида ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармасида ташкил этилган божхона органларида хизмат қилаётган ёш ходимларни қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур шарт-шароит яратиш борасида амалга оширилётган ишларга бағишланган давра суҳбатиди бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтилади.

Тадбирда бошқарма шахсий таркиби, хизматга қабул қилинган ёш ходимлар ва уларнинг ота-оналари, Фахрийлар уюшмаси аъзолари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Президентимизнинг 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонининг ижросини таъминлаш, шунингдек, божхона тизимида ёш ходимларнинг хизматни ўташлари учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда ушбу йўналишларда олиб борилаётган ислохотлар, божхона органларида хизмат қилаётган ёш ходимлар томонидан ноҳўя хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш масалаларига бағишланган давра суҳбатиди сўзга чиққан шаҳар Божхона бошқарма бошлиғи ўринбосари Ш.Ирисбоев ва бошқалар божхона ходимларини моддий ва маънавий рағбатлантириш, соҳа инфратузилмасини такомиллаштириш, ходимлар учун меҳнат ва яшаш шарт-шароитларини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлаб ўтишди.

ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Сўнгги йилларда иқтисодий хавфсизлигимиз посбонларини уй-жой билан таъминлаш йўлида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самарасида Қорақалпоғистон Республикасининг иқлим шароити оғир, Устюрт даштларида жойлашган олис масофадаги "Қорақалпоғистон" ва "Даут-ота" божхона постлари яқинида, Сурхондарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида хизмат қилаётган ходимларнинг яшаш шарт-шароитларини яхшилаш мақсадида бир қатор хизмат уйлари фойдаланишга топширилган. Бу борада амалга оширилаётган ишлар ёш ходимларни янада фаол бўлишга, Ватан ва халқ олдидаги сadoқатли бурчини бажаришда кўмак бўлади.

Тадбирда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари А.Жумабоев жорий йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳиятини, юртимизда ёшларга яратилган шарт-шароитлар, уюшмаган ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, зарарли иллат ва ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш: гийҳвандлик, диний экстремизм, ахлоқий бузуқликнинг олди-

ни олишда аҳамият қаратилиши лозим бўлган, келгусидаги амалга оширилиши кўзда тутилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Ўсиб келаётган ёш авлодни аждодаларга муносиб бўлишларида тарбиянинг аҳамияти катта. Бунда мураббийлар, кекса авлод вакилларининг ўрни бекиёслигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда лавозимга тайинланган битирувчиларнинг хизмат фаолиятига киришиш самарадорлигини таъминлаш юзасидан бошқарманинг тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Божхона органларида Олий ҳарбий божхона институтининг битирувчилари ва хизматга янги қабул қилинган синов муддатидаги ходимлар билан ишлашда тизимда кўп йиллар хизмат қилган тажрибали устоз-мураббийлар кўмагига таянлади.

Тадбир давомида бошқарманинг божхона органларининг ўз хавфсизлиги гуруҳи ходими Б.Эгамбердиев тизимда хизмат қилаётган ёш ходимлар томонидан содир этилаётган ноҳўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар, мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш масалалари ҳақида маъруза қилди. Қайд этилдики, бугунги кунда мамлакатимиз-

да ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш шароитида коррупция каби салбий ижтимоий воқеликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш қонунийлик, очиклик, шаффофлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларининг устуворлиги, тизимлилик ва бошқа бир қатор сифатлар коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси божхона тизими ҳозирги кунда мамлакатимизнинг ички бозорини ҳимоя қилувчи, давлат хазинасини тўлдирувчи ҳамда бошқа бир қатор муҳим давлат аҳамиятига молик вазифаларни бажарувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органи ҳисобланади. Божхона ходимлари томонидан порахўрлик, коррупцияга йўл қўйилиши давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимига путур етказиб, фуқароларимизнинг божхона соҳасига бўлган ишончи пасайишига олиб келади.

Учрашув давомида божхона ходимларига ўз хизмат вазифаларини масъулият билан бажариш, мансаб ваколатини суиистеъмол қилмаслик, божхона назорати ва расмийлаштирувни амалга оширишда қонунчилик талабларига қатъий риоя қилиш, порахўрлик ва таъмағирлик каби иллатларга йўл қўймаслик бўйича тегишли кўрсатма ва тушунтиришлар бериб ўтилди. Таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси томонидан мунтазам равишда профилактик маърузалар, учрашувлар ва тарбиявий ишлар амалга ошириб келинмоқда. Эътиборлиси, ушбу жараёнда божхона ходимларининг ота-оналари ва оила аъзолари ҳам жалб қилинмоқда.

Тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

Футбол

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Бирлашган Араб Амириликларида ўтказилган 2018 йилги йигирма уч ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионати саралаш мусобақасида муносиб иштирок этиб, финал босқичига йўллангани қўлга киритди.

Осиё чемпионати саралаш баҳсларида терма жамоамиз аъзолари "D" гуруҳида БАА, Ливан ва Непал терма жамоалари билан баҳслашди.

Футболчиларимиз гуруҳдаги дастлабки учрашувни ливанлик тенгдошларига қарши ўтказиб, 3:1 ҳисобида ишончли ғалабага эришди. Непаллик ёшларга қарши кечган иккинчи учрашувда ҳам Равшан Хайдаров шогирдлари ҳужумкор ўйин намойиш этиб, рақибларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Гуруҳдаги сўнгги ўйинда футболчиларимиз мезбонлар билан баҳслашди. Майдонда тўлиқ устунлик билан ҳаракат қилган ёшларимиз мазкур баҳснинг ҳам Исломжон Қобилов ва Жавоҳир Сиддиқовнинг голлари эвазига 2:0 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилди.

Шу тарихда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси учта ўйиннинг барчасида ғалаба қозониб, Осиё чемпионати финал босқичига чиқди. Эслатиб ўтамиз, 2018 йилнинг 9-27 январь кунлари Хитойда бўладиган йигирма уч ёшгача футболчилар ўртасидаги Осиё чемпионатида мезбонлар билан бирга, саралаш баҳсларида ўн та гуруҳда ғолиб бўлган жамоалар ва энг яхши кўрсаткичга эга беш давлат терма жамоалари қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

Б.АЙТМУРДОВ,
ЎЗА мухбири

Туркияда футбол бўйича 2018 йилда уюштирилаётган жаҳон чемпионати саралаш турнири ҳал қилувчи босқичи сўнгги тур ўйинларига жиддий тайёргарлик кўриш мақсадида Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўқув-машғулот йиғинида иштирок этганидан мухлислар хабардор, албатта.

БИТТА МАҒЛУБИЯТ, БИТТА ҒАЛАБА

Асосан маҳаллий футболчилар иштирок этган ўқув-машғулот йиғини доирасида миллий терма жамоамиз 2 та назорат-ўртоқлик баҳсларида омадини синаб кўрди. Эроннинг "Зоб-Охан" клубига қарши кечган дастлабки ўйинда Самвел Баба-ян шогирдлари 0:1 ҳисобида мағлубият аламини тотиб кўришди.

Туркиядаги иккинчи учрашувда миллий терма жамоамиз Саудия Арабис-

тонининг "Ал-Тавон" жамоаси билан куч синашди ва муросасиз кечган беллашувда Игорь Сергеев томонидан араблар дарвозасига киритилган гол ўйин охирига қадар ўзгармади.

Шундай қилиб йиғин доирасида уюштирилган 2 та назорат-ўртоқлик баҳсининг биттасида мағлубият, биттасида ғалаба қозongan терма жамоамиз Тошкентга қайтиб келди.

УЧТА УЧРАШУВ БИР ВАҚТДА

Маълумки, футбол бўйича 2018 йилда Россияда уюштирилаётган жаҳон чемпионати саралаш турнири учинчи босқичи "А" гуруҳи сўнгги тур беллашувлари 5 сентябрь кuni бўлиб ўтади.

ФИФА томонидан жаҳон чемпионати саралаш турнири учинчи босқичи "А" гуруҳи сўнгги тур баҳсларини бир вақтда бошлаш ҳақида алоҳида кўрсатма берилди.

Мухлисларга маълумки, 5 сентябрда Ўзбекистон — Жанубий Корея, Эрон — Сурия, Қатар — Хитой терма жамоалари ўртасида ҳал қилувчи аҳамиятга эга учрашувлар уюштирилади. Учта ўйин учун ҳар бир мамлакат шароитидан келиб чиққан ҳолда, ягона мақбул вақт белгиланди. Ушбу ўйинлар Тошкент вақти билан 20.00 да бошланади.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Respublika mulk markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ишлар бошқармасининг транспорт бўлимига тегишли, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 4-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такрон қўйилмоқда.

1. "Газ 31105" русумли, давлат рақами 01/044 РРР, 2005 йилда и/ч. бошланғич баҳоси — 16 500 000 сўм
2. "Газ 31105" русумли, давлат рақами 01/136 РРР, 2005 йилда и/ч. бошланғич баҳоси — 16 500 000 сўм,
3. "Нексия" русумли, давлат рақами 01/148 РРР, 2006 йилда и/ч. бошланғич баҳоси — 15 600 000 сўм, 4. "Газель 330210" русумли, давлат рақами 01/099 РРР, 1995 йилда и/ч. бошланғич баҳоси — 33 800 000 сўм бўлган автомашиналар.

Аукцион савдоси 2017 йил 29 август кунини соат 15:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар русий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00

дан 14:00 гача тушгил). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2017 йил 25 август кунини соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 30 кун ичида сотувчи билан олди-сотида шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатал пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабдорлар савдо ташкилотчилиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини "РММ" МЧЖнинг АИТБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. 228-79-52.

Гувоҳнома №001805.

СОҒЛОМЛАШТИРИШ ОРОМҒОҲЛАРИДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ТАДБИРЛАРИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги "Қалдирғоч" кундузги болалар соғломлаштириш оромгоҳи ташкил этилган 249-умумтаълим мактаби ҳовлисида тартиб билан тахланган бир қанча гулханни ёқиш учун атиги бир донга гугурт етарли бўлди... Ўт ўчирувчилар ўқув-машғулотни ўтказиш мақсадида ёндирилган "тилсиз ёв"ни бир неча дақиқада ўчириб, бундай вазиятларда ҳаракат қилиш учун тўлиқ жанговар тайёргарлигини намойиш этди.

Президентимизнинг 2017 йил 23 майдаги "Ички ишлар органлари ёнғин хавфсизлиги бўлимлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Тошкент шаҳридаги кундузги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ташкил қилинган кўплаб умумтаълим мактабларида ҳам шундай кўргазмали ўқув-машғулотлар ўтказилаётди.

Тадбирларда Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси мутахассислари, Ички ишлар вазирлиги, таълим, тибиёт муассасалари, маданий-кўнгилочар масканлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, газ, сув ва электр таъминоти учун масъул коммунал хизматлар вакиллари иштирок этмоқда.

Ўқув-машғулотда ўт ўчирувчилар техника ва ускуналарни намойиш этиб, уларнинг ишлаш принципларини тушунтирди. Мутахассислар оромгоҳда дам олаётган болалар ва тарбиячиларга фақулдда вазиятларда эвакуация қилиш жараёнини намойиш қилди ва бундай ҳолатларда тартиб билан ҳаракат зарурлигини қайд этди.

Жорий йилда ташкил этилган 66 кундузги соғломлаштириш оромгоҳининг ҳар бирида бир кунда юздан ортиқ ўғил-қиз дам олади, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг профилактика ва ёнғин назорати бўлими инспектори Муслима Раҳимова. — Ёнғин хавфсизлиги инспекторлари мавсум бошланишидан аввал мактабларнинг ҳар бир биносини кўздан кечириб, ўт ўчириш гидрантлари ва воситаларининг ҳолати, биноларнинг ташқи ва ички томонидида ишлатилган материалларни ўрганиб чиқди.

Мактабимизда ташкил қилинган оромгоҳда ҳозир 120 бола дам олмақда, — дейди "Қалдирғоч" кундузги болалар соғломлаштириш оромгоҳи директори Махмуд Бадалова.

Уларнинг ёнғин таътилини қилишга йўл қўйиш учун турли маданий дастурлар, қизиқарли тадбирлар, мусобақа ва танловлар ўтказилмоқда. Ўт ўчирувчиларнинг ташириги ва улар ташкил этган тадбир болаларда катта қизиқиб ўйотди. Мутахассислар ёнғин хавфсизлиги қондалари бўйича машғулотлар ўтказди, ёнғинларни келтириб чиқариладиган сабаблар ҳақида сўлаб берди ва ўқув фильмни намойиш қилди. Бу болаларга ёнғин хавфсизлиги қондаларини ўлаштиришга ёрдам берди.

Тадбир сўнгида ўт ўчирувчилар саволларга жавоб қайтарди.

Р.БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

Кўргазма

ДИЛ ТУҒЎНИ

Ўзбекистон Бадий академияси Икю Хираяма номидаги Халқаро маданият қарвон саройида ёш расом Малика Жўраеванинг "Дил туғғени" номи шахсий кўргазмаси очилди.

Малика Жўраева графика йўналишида иқод қилиб келаётган истеъодли ижодкорлардан ҳисобланади. Малика Жўраева 11 ёшдан бошлаб расм чизишни бошлаган, қизиқди иқтидорини пайкаган отаси уни танқиди расом Анавар Мамажоновга шогирдликка берган. Дастлаб ў санъатнинг энг нобў турини ҳисобланган оғир билан шугуллана бошлади. Мактаб давридаёқ Малика турли танлов ва кўргазмаларда иштирок этади.

2013-2016 йилларда М.Жўраева Республика расомлик коллежида сабоқ олади. Узининг илк кўргазмасини 16 ёшида санъат иқосмандларига тақдим этади.

2015 йилда Қозғистонда ўтказилган "Арт Самағай" танлов кўргазмасида иштирок этиб иккинчи ўринга сазовор бўлди ва К.Бехзод номидаги Миллий расомлик ва дизайн институтига грант асосида ўқишга қабул қилинди.

2016 йилда ўтказилган "Тасвирий ва амалий санъат" фестивалида Ўзбекистон Бадий академиясининг "Олтин медали" билан тақдирланди.

"Дил туғғени" деб номланган мазкур кўргазмада Маликанинг литография, оғир ва линография усулларида яратилган "Хива", "Тарихий обидалар", "Самарқанд", "Дил туғғени", "Муҳаббат тонги" каби қирқдан ортиқ ижодий иши намойиш қилинмоқда.

Биз Малика каби мўйқалам соҳибалари ижодида завқланиш билан бирга, ўз санъат асарларимизни яратишга астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Бу кўргазма мен каби барча бўлажак расомларга катта бир ишонч ва кўмак бағишлади.

Парвина МАДМУСАЕВА



40-42 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 28 июлда Тошкент

Тошкент шаҳрида 28 июль кунини ҳаво ўзариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 25-27, кундузи —

шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, инфосилани даражаси паст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар (0-371) 233-28-95,
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамити» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳрират компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 735

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
5233 нусхада босилди.
Қозғ бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 13.50